

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун
ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

Танлов предмети: Каттакўрғон шаҳар Ғарб мачит МФЙ А.Навоий кўчасида (собик Педколлеж) жойлашган **Аҳоли бандлигига қўмаклашнинг марказининг янги биносида** Ташкилот номи харфлар билан ёзилиши ва Давлат рамзлари, Баннер, Табличка, хар хил шиорлар тайёрлаш ҳамда урнатиш ишларини бажариш бўйича.

1.2. Танлов охириги киймати – Каттакўрғон шаҳар Ғарб мачит МФЙ А.Навоий кўчасида (собик Педколлеж) жойлашган **Аҳоли бандлигига қўмаклашнинг марказининг янги биносида** Ташкилот номи харфлар билан ёзилиши ва Давлат рамзлари, Баннер, Табличка, хар хил шиорлар тайёрлаш ҳамда урнатиш ишларини бажариш бўйича

жами иш хизмат суммаи 15 000 000 (Ун беш миллион) сўм.

Ушбу кийматдан ортиқ кийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қуриб чиқилмайди.

1.3. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ҳолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Каттакўрғон шаҳар **Аҳоли бандлигига қўмаклашнинг маркази** (бундан кейин- «Буюртмачи» деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

«Буюртмачи» манзили: Самарқанд вилояти Каттакўрғон шаҳар М.Хоразмий кўчаси 8 уй

2.2. Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Каттакўрғон шаҳар **Аҳоли бандлигига қўмаклашнинг маркази** «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда товар етказиб бериш ҳамда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 6 ой тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:

1) Бажарувчи корхона гувоҳномаси, раҳбарнинг буйруғидан қўчирма, меҳнат дафтарчаси б-н бирга раҳбарнинг паспорт нусхасини тақдим қилиши лозим

2) Ҳисоб рақамида товар кийматининг 15% миқдорида маблағ мовжудлиги тўғрисида банкдан тасдиқланган маълумот ҳамда маҳсулотга нисбатан 3 йиллик қафолат. Агар шу муддат ичида нуқсон чикса ёки яроқсиз ҳолга келса етказиб берувчи ҳисобидан бартараф этилади

3) Банк қарздорлиги мавжуд эмаслиги, қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлса, унинг гувоҳномаси фаоллиги. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги. Эълон жараёнида бўлган давр ҳолатига солиқ қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги repository.soliq.uz дастуридан олинган штрих кодли маълумот ва инсофсиз иштирокчилар рўйхатида бор-йўклиги тўғрисида маълумот

4) Ишчи ходимлар тўғрисида маълумот (Ф.И.Ш, меҳнат дафтарчадан кучирма паспорт ва буйруқ нусхалари) ва транспорт воситалари (балансда ёки ижара шартномаси), асосий воситалар ва асбоблар(ТМЗ) мавжудлиги

5) Молиявий кўрсаткичлари (охирги 2 йиллик баланс, ф-2 ва молиявий натижа) ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги.

6) Махсулот сифати параметрлари, расми етказиб бериш тўғрисида тўлиқ ҳисоб-китобли маълумот ва омборда мавжудлиги Агар танлов предмети бўлган товар етказиб бериш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштирилиши зарур бўлса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рўхсат этилади.

3.3. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди; Кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий –ҳукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАШКИЛОТЛАР ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1.Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2.Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ўзбек тилида тақдим қилиниши лозим.

4.3.Кўйилишидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- Техник таклиф, Фирменни биланкада имзоланган, рақамланган ва муҳрланган ҳолда;
- Техник ҳужжатлар рўйхати (брошуралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.4.Танлов иштирокчиси:

- Фақат битта таклиф бериши мумкин;
- Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- Таклиф бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда элон қилинган муддатдан яни 5 календар кунга узайтирилиши мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3.Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1.Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб тошилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

- 7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклиф бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (иш, хизмати) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисида эълонга ўзгартиришлар киритилади.
- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориш шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-маҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
- 7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига туғишли тушунтиришларни тақдим этиш шарт.
- 7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан белгиланган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.